

Умумхалқ байрами!

ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси газетаси



Ушбу сонда:

- 2
Ҳар биримизда
халқимиз қиёфаси
- 3
Адолат ва эзгулик
тимсоли
- 4
Асли дунё меҳрдан
яралган

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ
21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА
ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

5 декабр, шанба
1998 йил №138(639)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4 декабр куни Россиянинг «Лукойл» нефт компанияси президенти Вагит Алекперов ҳамда ушбу компания вице-президенти Джеван Челоянни қабул қилди.



Сиз раҳбарлик қилаётган компания нефт захиралари бўйича дунёда биринчи, уни қазиб олиш бўйича тўртинчи ўринни эгаллайди, - деди Ислам Каримов учрашувда. - Биз «Лукойл»ни жиддий ва обрўли нефт компанияларидан бири, деб биламиз.

Давлатимиз раҳбари меҳмонлар билан мулоқот чоғида Ўзбекистон нефт-газ саноатининг салоҳияти, уни ривожлантиришда хорижий шериклар билан йўлга қўйилётган ҳамкорлик алоқалари, мамлакатимизнинг нефт-газ саноати соҳасидаги имкониятлари ҳақида сўзлади. Хусусан, Ўзбекистон заминининг олтимиш фоизда нефт ва газ захиралари борлигини қайд этди.

Шу маънода «Лукойл» билан ҳамкорлик ўрнатилган икки томон учун ҳам бирдек фойдали бўлишини таъкидлади. Россиялик меҳмонлар Ўзбекистон нефт ва газ саноати ходимлари сўнгги бир неча йил ичида улкан ютуқларни қўлга киритганини айтиб, мазкур учрашув тажриба алмашиш, қўшма лойиҳалар ишлаб чиқишга киришиш учун катта имкониятлар очаганини таъкидлаб ўтишди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан «Лукойл» компанияси ўртасида ҳамкорлик билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида «Ўзбекнефтогаз» миллий корпорацияси раиси И.Зайнутдинов иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов: Биринчидан, бизнинг Конституция ҳақиқатан ҳам демократик Конституциядир. Тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир... Иккинчидан, бизнинг Конституция энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган, у дунё миқёсида ҳам ҳар қандай илғор давлат конституцияси билан бемалол куч синашмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ:


Шу билан бирга бу Конституция умумий мазмунидан тортиб, оддий бир бандига қадар Ҳўжа Аҳмад Яссавий бобомиз даврида, буюк Амир Темур замонидан шакланган миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ўзида акс эттиради. Шу қўҳна замин одамлари кўнглида устивор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағри кенглик, мардлик, танглик каби улуг хислатлар бу муборақ ҳужжатдан муносиб ўрин олган.

Дарҳақиқат, у Ўзбекистонимизда - шу азиз ва муқаддас заминимизда истиқомат қилаётган инсонларнинг дунёқарашини, уларга хос ўзаро муносабатлар, хусусиятларни, меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элатларга нисбатан ҳурмат, илму фанга интилиш, ор-номус, ифрат ва ҳаёб каби эзгу фазилатларни ўзига асос қилиб олган.

Ўзбекистон фуқаролари, ўзларининг насл-насаби, ирқи, миллатидан ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, тенг ҳуқуққа эгадирлар. Конституциямиз Ўзбекистон фуқароси деб ҳисобланган барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва миллий анъаналари ҳурмат қилинишини кафолатлайди.

Янги Конституциямизнинг муҳим жиҳатларидан бири шуки, давлат ҳокимиятининг тузилиши ва фаолият тартиби ваколатларни тақсимлаш тамойили асосида амалда оширилади.

Конституцияда хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши таъкидланган. Мақсад - иқтисодий ўта марказлаштирилмаслик ҳамда яқшақоқимликка барҳам беришдан, корхоналар, ташкилотлар ва хусусий тадбиркорларнинг мустақиллигини кенгайтиришдан иборат.



Меҳнат ардоқлаган кишилар

ТАНТИ ЮРТ ЎҒЛОНИ

Қиш кирганига ҳам бир неча кун бўлиб қолди. Шундай бўлса-да ҳавонинг ҳовури қайтган эмас. Далалар... Уларнинг ўзига хос суварти ва сийрати бордек. Йўқса 18 минг олам унда жо бўлмасди, ахир! Элни тўйдириш, кийдириш ва унга риск-насиба улашиш ишқидеда елиб-югурадиган жон борки ҳамон қадрдон даласидан жилгиси келмайди. Меҳнатдан завқланаётган фидойи, омилдор кишиларни кўриб бунга яна бир қарра амин бўламан. Улар замин фарзандлари. Замин ўз бунёдкорларини қафтида кўтариб турса, улар бунга жавобан замин сандигининг тилсимотларини очиб мақсадида уни қалб кўри билан ардоқлашга интилишади. Асрлар ўтсаямки икки ўртадаги бу боғланиш давом этади.

Муваффақиятлари эвазига вилоят ҳокимлиги ҳамда касаба уюшмалари томонидан таъсис этилган бош совриннинг соҳиби бўлди. Яқинда Нусратжонга омад яна қулиб боқди. У Агрорасаноат мажмуи ходимлари республика уюшмаси Марказий кўмитаси раёсатининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжтаъминоттаъмирлаш» давлат кооператив кўмитаси, «Ўздонмахсулот» давлат ҳиссасдорлик корпорацияси, «Ўз-мевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниясининг ва республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси кенгашининг галлачиликда ташкил этган меҳнат беллашуви қолиби деб топилди.

Туман машина-трактор паркиннинг ишчан механизатори Нусратжан Бозоров ўзига бириктирилган «Кейс-2166» русумли қудратли комбайнида мавсум давомида 1155 гектар майдондаги галлани ўриб-йигиб олишга эришгани учун мана шундай юксак шарафга эришди. У сарамжонлаб олган галла ҳосилининг салмоғи 3976 тонна ташкил этди. Ана, сизга замонавий техниканинг қудрати, унинг тилини билиб мақсадга бўйсундирган танти механизаторнинг салоҳияти!

Биз ҳўқоя қилмоқчи бўлган Ҳазрати Инсон ҳам мана шундай пок туйғуни дилга тугиб, яратувчилик ишқидеда меҳнат қилаётган табаррук замин фарзандларидан бири саналади. Кечагина Нусратжон ўзи туғилиб ўсган Ромитан туманида, аникроги «Агрорасаноат» давлат ҳиссасдорлик жамияти машина-трактор паркида кўпчиликка танилган бўлса, бугун унинг номини кўҳна Бухорода, ҳаттоки республикада биладиганлар бор. У киши мана 18 йилдирки юқоридеда қайд этилган жамоада илгор комбайнчи бўлиб хизмат қилиб келаётган.

Биз қушхабардан воқиф ҳолда машина-трактор паркиннинг етакчи мутахассиси Хайрулла ака Азимов ҳамроҳлигида ўз касбининг устаси билан учрашмоқчи бўлганимизда мохир механизатор тумандаги «Зарфшон» жамоа хўжалигида экан.

«Хорманг, бор бўлинг»дан кейин сўхбатимиз «Кейс»га келиб тақалганда, Нусратжон лотореясига машина ютиб олган кишидек қувончини яширолмади. Чунки у кундалик ҳаётини усиз тасаввур ҳам қила олмади. Кўп ва хўб агрегатларни бошқараману лекин шу пайтгача бунақасини учратмаганман. Унумдорликда унга етари йўқ. Бир ўзи 8-10 техниканинг жавобини беради. Кўпчилик номидан бизга ўхшаган механизаторларга мана шунақани «тулпор от»ларни ҳаёда этган ҳукуматими юртбошимизга миннатдорчилик билдиргим келади. Демак, навбатдаги вазифа Нусратжонга ўхшаш техника ва меҳнат фидойилари ўз касбининг мохирлари сафини тезроқ кенгайтиришдан иборат, деб ўйлаймиз. Шундагина дастурхонимиз янада файзли, янада тўкин бўлиши шубҳасиз. Фақат «Кейс»нигина эмас, балки «Магнум» жоловини ҳам уddaборонлик билан бошқариб келаётган, ўнлаб шоғирдларнинг гамхўр устози, оилада меҳрибон ота Н.Бозоров билан қисқа муддатли мулоқотимиздан шундай хулосага келдикки- у кўпчилик манфаати йўлида ҳар қандай ишга тайр ва қодир, эл-улус манфаатига ҳисса қўшмаган кунини умр ҳисобига қўшмайдиган камтар ва танти юртимиз ўғлонидир.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» муҳбири.

ИҚБОЛИНГ ЗИЁДА

Муқаддас тупроғинг суртиб кўзимга,
Фарзандлик бурчимдан фаҳрга тўлдим.
Меҳрим қўшиб ёздим ҳар бир сўзимга,
Бунчалар гўзалсан, бунчалар сўлим.

Буюк сиймолардан қайтган элимсан,
Шодлигингни кўриб, илҳомим жўшар.
Мадҳиянг битилган она тилимсан,
Шону-шўхратингга эътироф қўшар.

Элим деб, юртим деб ёниб яшаган,
Доно юртбошинг бор толе сенга ёр.
Нурли келажакка қадам ташлаган,
Оқ кўнгил, меҳнаткаш, мағрур халқинг бор.

Жаҳонга танилган эй, улуг ўлкам,
Иқболинг бундан ҳам зиёда бўлсин.
Сен мен-чун дунёда ягона, кўркам,
Осмонингга доим қўёш балқисин.
Яшин ЭШИМБЕТОВ

Улуғ сана шарафига

Мамлакатимиз Конституциясининг олти йиллигига бағишланган фотосуратлар кўргазмаси «Ўзбекистон буюк келажак сари» деб аталади. Экспозиция Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлиги (УзаА) томонидан ташкил қилинган бўлиб, Санъатшунослик илмий тадқиқот институтининг кўргазма залида очилди. Кўргазмага қўйилган расмларда халқимизнинг Президент Ислам Каримов бошчилигида мустақиллик йилларида эришган ютуқлари акс эттирилган. Ушбу ютуқларга эришишда ва уларни мустаҳкамлашда мамлакатимиз Асосий Қонуни - Конституциянинг аҳамияти беқийсдир. Кўргазмага Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, жамиятимизда инсоннинг ҳар томонлама камол топиши ва оила фаровонлиги учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда ҳўқоя қилувчи юзга яқин турли, рангли фотосуратлар қўйилган. Фотосуратлар муаллифлари - Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлигининг таниқли фотомухбирлари Абдувоҳид Тўраев, Фарход Қўрбонбоев, Рўзмет Жуманиязов, Рустам Шагаев, Александр Зуфаров, Раъшан Нуритдинов, Алимурод Мамадамминов ва бошқалар. Кўргазманинг очилишида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев иштирок этди.

Байрам ва шодийна кунларда ўзбекининг хонадонидеда ўғил-қизлар, неваре-эваралар, ёру-биродарлар бир дастурхон атрофида йиғиладилар. Бундай кунда серфарзанд ўзбегимнинг гўшаси янада файзли бўлиб кетади. Бобожону бувижонларни соғинган жажжилар уларнинг ёнларида ўтиришга жой талашадилар. Нурунийлар эса кечираётган кунларига шўкроналар айтиб элимизга тинчлик-омонлик, оилаларга хотиржамлик, дастурхонимизга барака тилаб, дуога қўл очадилар.





ДАВЛАТИМИЗ ВА ЖАМИЯТИМИЗНИНГ

Мамлакатлар ўз фуқароларига ўхшайди. Ҳар бир Ватан фарзандида ўз халқининг қиёфаси бор. Инсон эса бутун дунёни кузатсам, билсам, дейди. Мукамалликка, озодликка, мустақилликка интилади.

Жаҳон ҳамжамиятига қадим кўйган Ўзбекистон қисқа муддатда ўз ўрни, овози ва макъага эга бўлди. Халқимиз яқиндаги мустақиллигимизнинг этти йиллигини зўр тантана билан нишонлаган эди. Бугун эса Конституция кунини байрам қилмоқдамиз. Асосий Қонуимиз, айтиш мумкинки, конституциячиликнинг жаҳон таърихисини ўзида тулик ифодалаган. Бу ҳақда юртбошимиз И.Каримов Конституцияимизнинг бир йиллигига бағишланган тантанали йилгида сўзлаган нутқида таъкидлаганларидек, «Асосий Қонуимизни баҳолашда АҚШ, Буюк Британия, Франция, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши каби нуфузли давлат ва халқаро ташкилотларнинг олимлари фаол қатнашди. Лекин ҳеч қим, ҳаттоки бизни ҳуш кўрмайдиган кишилар ҳам унинг демократик моҳиятини инкор эта олмади».

Бугун олти йиллигини кенг миқёсда нишонлаётган Республикаимиз биринчи Конституцияси бунга тўлалига тасдиқлади. Шу йиллар давомида Асосий Қонун руҳи ва мазмунига мос келадиган 300 га яқин қонунлар, Республика Президентининг ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг икки миңдан ортиқ Фармон ва Қарорлари қабул қилинди. Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази, Амалдаги қонунлар мониторингини институти, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик Маркази, «Оила» илмий-амалий Маркази, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик Маркази, Республика ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази, Республика юристлар малякасини ошириш Маркази каби идоралар ташкил этилиб, инсон манфаатларига хизмат қилмоқда.

Республика ва вилоятларда 30 дан ортиқ номдаги даврий ҳуқуқий газета ва журналлар чоп этилмоқда. Биргина Адлия вазирлигининг «Адолат» нашриёти 4 миллиондан ортиқ нусхада Қонун тўпламлари, кодекслар, ҳуқуқий мавзудаги адабиётлар, ҳуқуқшунослик ўқув юртлири талаба ва ўқувчилари учун

дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини, шунингдек, «Ўзбекистон янги қонунлари» туркумининг 19 сонини босмадан чиқарди. Буларнинг барчаси фуқаролар ҳуқуқини муҳофаза қилиш, бозор муносабатларини тўла қарор топтириш, инсонларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти, савияси, билими ва онгини юксалтириш, жамият аъзоларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий фаоллигини оширишга қаратилгандир. Олдинги Конституцияларимиз - ҳеч қимга сир эмас, собиқ иттифоқ конституциясининг айнан ўзбек тилидаги ифодаси бўларди. Адолат ҳудудини бўлган ҳуқуқий давлат қуришга киришган эканмиз, иқтисодиётимизни яхшилаш билан бир қаб-

лат ҳоқимияти ва бошқарув органларининг юридик хизмат ҳамда адвокатура ходимлари республикамизнинг барча ўрта умумтаълим мактабларида «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанидан ўқув машғулотларини олиб боришга жалб этилди. Жойлардан келаётган маълумотлар асосида қилаётган таҳлилларга қўра, ушбу саъй-ҳаракатларимиз ижобий самаралар бермоқда.

Шунингдек, ёшларни Конституция, қонунлар, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларини қурмат қилиш ва уларга ҳақлиқ рияш қилиш руҳида тарбиялаш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда фаол қатнашиш, фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўла англаб етишларида ёрдам бериш, ёш авлоднинг ҳуқуқий билимларини мустақамлашда кўмаклашиш мақсадида, Ички ишлар, Халқ таълим вазирлиги, Олий суд ва ёшларнинг «Камолот» жамғармаси билан ҳамкорликда 1997 йил декабрь - 1998 йил май ойлари мобайнида республика ўрта умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» қўриқ-танловини ўтказдик. Қўриқ-танлов байрамона тус олиб, унда республикамизнинг деярли барча мактабларидан 500 миңга яқин ўқувчилар қатнашди. «Сиз қонунни биласизми?» қўриқ танловини тайёрлаш ва уни ўтказиш Республика ташкилий қўмитасининг ақинда бўлиб ўтган мажлисида қўриқ-танловнинг аҳамияти ва унинг ўқувчи-ёшларимиз ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга қўшаётган улкан ҳиссасини эътиборга олиб, уни 1998 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб ҳар йили мунтазам равишда ўтказиб бориш ва унга нафақат, ўрта умумтаълим мактаблари ўқувчиларини, балки республикамизнинг ўрта махсус ва касб-хунар таълими ўқув юртлири талабаларини ҳам жалб этган ҳолда иштирокчи дораирасини кенгайтиришга қарор қилинди.

Инчунин, барчамизнинг мақсадимиз ёшларимизнинг адолатли демократик ҳуқуқий давлат шароитида яшаш, таълим олиш ва меҳнат қилишга ўргатишдан иборат бўлмоғи лозим.

шига эришишимиз зарур. Конституция ҳар бир талаба ва ўқувчининг шахсий кутубхонасидан муносиб босмадан чиқариш, уларнинг дарсхона соҳида бўлиши керак.

Конституция, байроқ, мадҳия, давлат тили ва давлатимизнинг бошқа рамзларини ўргатишни болалар боғчаларидан бошлашимиз, кейинчалик уни мактабларда давом эттиришимиз керак. Ўзингиз ўйлаб кўринг, наҳотки, 4-5 яшар болалар боғчаси тарбияланувчисига давлатимиз тамғасининг шакли, байроғимиз ранги қандай эканлигини тушунтирсак, тушунмайди? Тушунди. Ўқиб ҳам олади. Зероки, «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»да таъкидланганидек, «ҳуқуқий таълим



Жарқўрган туманидаги Норали Боймуродов номи жамоа ҳўжалиги ҳудудида пиру-бадавлат оилалар кўпчилигини ташкил қилади. Шулардан бири Тожибобо ҳўжи Сармонов оиласидир. Тожибобо умрдоши Иқбол ая билан нафақага чиққунларига қадар ҳўжаликнинг 12-бригадасида меҳнат қилишди. Шу билан бирга 8 фарзандни тарбиялаб воғя етказдилар. Айни кунларда фарзандлар даврасида умргузаронлик қилаётган табаррук инсонлар ўз тақдирларидан мамнулик билан сўзлашади.

ҲАР БИРИМИЗДА ХАЛҚИМИЗ ҚИЁФАСИ БОР

торда жамиятимизнинг ҳуқуқий жиҳатдан билимли фуқароларини шакллантириш, улар онгида қонунларга ҳурмат руҳини уйғотмоқ лозим бўлади. Бунинг учун эса биринчи қалда, ҳар бир ёш конституцияимизни, қонунларимизни яхши билимоғи, англамоғи, сўзсиз риоя қилмоғи, ҳақ-ҳуқуқини таниб олмоғи зарур деб ўйлаيمиз. Улар ўз ихтисосларини пухта эгаллашдан ташқари, Конституция, маънавият, маърифат, маданият, ахлоқий ва ҳуқуқий билимлар билан ҳам қўрланнишлари керак. Бироқ, ёшларимиз қонунларни яхши билдиларми, деган ҳақли савол тугилади?

Тан олишимиз керак. Улар Конституция ва бошқа қонунларни ўқиб ўрганишга етарли даражада эътибор беришмапти. Хаттоки, фикримизча Асосий Қонуимизни билиш ва ўрганиш ҳам мавсумийликка айланиб қоляпти. Чунки, Конституция қабул қилинган кунлар арафасидагина у ҳақда ўйлаб қоляпти, кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаш, мақолалар уюштириш, аммо, ушбу сана ўтгандан сўнг яна ҳаммаси унутилади.

Бизнингча, ёшларимиз қалбида қонунларга ҳурмат назари билан қараб ҳиссини уйғотишимиз, Конституциянинг муқаддаслигини уларнинг онгига сингдиришимиз, унинг ҳар бир моддасини ёддан ўқи олиши ва шарҳлай били-

улуксиз бўлиб, ёшлиқдан бошлаб бериб борилиши лозим. Болалар мактабга-тарбия муассасаларидаёқ ҳулқ-атвор қондаларидан хабардор бўлиши, маънавий ва баъзи ҳуқуқий нормалар турғисида бошланғич тушунчалар олиши, келгусида ўқув давомида бу билимлар кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши зарур».

Шунинг учун ҳам, кечиктирмадан республикамизнинг барча мактабга тарбия муассасаларида «Илк ҳуқуқий тушунчалар» машғулотини, ўрта умумтаълим мактабларининг 1-4-синфларида «Ҳуқуқ алифбоси», 5-8-синфларида «Ҳуқуқ сабоқлари», 9-11-синфларида, академик лицей ва касб-хунар коллежларида «Конституция асослари», «Давлат ва ҳуқуқ асослари», «Инсон ҳуқуқлари», «Қонунчилик асослари» сингари фанларни ўқитиш мақсада мувофиқдир.

Бу ишларга Республикаимиз ҳуқуқини муҳофаза қилувчи Марказий идоралари ва уларнинг жойлардаги тузилмалари ҳам бевосита дахлдор эканлигини инобатга олиб, 1997 йилнинг декабридан бошлаб Адлия, Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари ҳамда Республика Бош прокуратурининг ҳамкорлигида топшириқ-хатларига асосан жойлардаги адлия, прокуратура, ички ишлар органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек, маҳаллий дав-

лат ҳоқимияти ва бошқарув органларининг юридик хизмат ҳамда адвокатура ходимлари республикамизнинг барча ўрта умумтаълим мактабларида «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанидан ўқув машғулотларини олиб боришга жалб этилди. Жойлардан келаётган маълумотлар асосида қилаётган таҳлилларга қўра, ушбу саъй-ҳаракатларимиз ижобий самаралар бермоқда.

Шунингдек, ёшларни Конституция, қонунлар, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларини қурмат қилиш ва уларга ҳақлиқ рияш қилиш руҳида тарбиялаш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда фаол қатнашиш, фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўла англаб етишларида ёрдам бериш, ёш авлоднинг ҳуқуқий билимларини мустақамлашда кўмаклашиш мақсадида, Ички ишлар, Халқ таълим вазирлиги, Олий суд ва ёшларнинг «Камолот» жамғармаси билан ҳамкорликда 1997 йил декабрь - 1998 йил май ойлари мобайнида республика ўрта умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» қўриқ-танловини ўтказдик. Қўриқ-танлов байрамона тус олиб, унда республикамизнинг деярли барча мактабларидан 500 миңга яқин ўқувчилар қатнашди. «Сиз қонунни биласизми?» қўриқ танловини тайёрлаш ва уни ўтказиш Республика ташкилий қўмитасининг ақинда бўлиб ўтган мажлисида қўриқ-танловнинг аҳамияти ва унинг ўқувчи-ёшларимиз ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга қўшаётган улкан ҳиссасини эътиборга олиб, уни 1998 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб ҳар йили мунтазам равишда ўтказиб бориш ва унга нафақат, ўрта умумтаълим мактаблари ўқувчиларини, балки республикамизнинг ўрта махсус ва касб-хунар таълими ўқув юртлири талабаларини ҳам жалб этган ҳолда иштирокчи дораирасини кенгайтиришга қарор қилинди.

Инчунин, барчамизнинг мақсадимиз ёшларимизнинг адолатли демократик ҳуқуқий давлат шароитида яшаш, таълим олиш ва меҳнат қилишга ўргатишдан иборат бўлмоғи лозим.

Конституция ва биз

Конституция кунини ҳамда шу Асосий Қонуимизда қўрилган тўла муҳассамлашган Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясининг 50 йиллиги арафасида «Адолат» нашриёти 10 миң нусхада «Конституция ва биз» деб номланган китобни нашр этди. Бу китобнинг нашр этилиши Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқларни ўрганиш маркази ҳамда Тошкентдаги Ижтимоий маърифат маркази ижодий ҳамкорлигининг натижасидир.

Ўзбекистон мустақил давлатга айланган, 1992 йилда қабул қилинган Конституция ҳуқуқнинг муҳим манбаи бўлди.

«Конституция ва биз» китоби конституциявий ҳуқуқлар бўйича яхши қўлланма бўлиш билан чекланиб қолмаган. Унинг мазмуни ҳуқуқнинг бу етакчи соҳаси доирасидан анча четга чиқди. Унда давлат ва ҳоқимият, ҳуқуқ ва ҳуқуқ субъектлари, фуқаролар жамияти ва ҳуқуқий давлат каби кўп мураккаб ҳодисалар, қонунлар ва шу қонунлар асосида чиқарилган ҳужжатларнинг юридик кучи ва моҳиятини очиб берувчи тушунчалар мавжуд. Буларнинг ҳаммаси содда ва раван тилда баён қилинган.

Ишончли кафолат

Мустақил давлатимизнинг Асосий Қонунини мамлакатимизда ҳалқчил-демократик, ҳуқуқий жамиятни барпо этишда ишончли кафолат вазифасини ўтапти. Мазкур Қонуимиз мустақил ўзбек давлатчилигимизни яратишда тамал тоши бўлишини, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиз ва ҳуқуқий бурчимиз умуминсоний халқчил асосларга қурилаётганини аниқлаб турибди.

Унинг 34-моддасида шундай дейлади: «Ўзбекистонда давлат ҳоқимиятини бирдан-бир манбаи халқдир».

Меҳнаткаш халқ оммасининг аксарият қисми эса касба уюшмалари аъзолари. Шу боиски Конституцияимизда касба уюшмалари давлат ҳоқимияти идораларидан кейинги иккинчи, барча сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари ҳамда оммавий ҳаракатлардан олдинги биринчи ўринларда тилга олинади. Мазкур нуфузнинг ўзи мустақил давлатимиз касба уюшмалари нақадар катта эътибор бераётганидан далолат беради.

Асосий Қонуимизнинг яна бир халқпарварлик жиҳати шундаки, у меҳнаткаш халқ ташкилотини бўлган касба уюшмаларининг қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётда қатнашиши учун уларга ҳуқуқий имкониятларни яратиб бериш вазифаларини Давлат зямимасига оқлабди. Бу ҳақда Конституциянинг 2-моддасида шундай дейлади:

«Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар».

Бозор иқтисодиёти босқичларида касба уюшмалари масъулияти янада ошиши табиий ҳолдир. Буни ҳисобга олган давлатимиз раҳбари Ислам Каримов республика касба уюшмалари фаоллари билан учрашувида шундай деганди: «... Ҳимоят муҳтож оилаларни аниқлаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар билан алоҳида муносабатлар урнатилиш - касба уюшмаларининг асло кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан биридир».

Асосий Қонуимизнинг яна бир устувор жиҳати шундаки, у давлат ва мансабдор шахслар, жамият ва фуқароларнинг мавқеи ҳамда вазифаларини аниқ белгилаб берган. Масалан, 58-моддани олайлик:

«Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашшга, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшга йўл қўйилмайди».

Моҳиятан халқчил Конституцияимизда марказий ўрин олган масала, бу - инсон ҳуқуқлари масаласидир. Касба уюшмаларининг асосий фаолият, вазифаси ҳам аслида меҳнаткаш инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва манфаатларини муҳофаза қилиш таъминлашдан иборатдир.

Афсуски, Конституция берган ҳуқуқлардан самарали фойдаланмаёғимиз. Инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишда етарлича фаолият кўрсатмаёғимиз. Масалан, Статистика босқармасида кўрсатилганидек, 1997 йилда 4-5 гектар томорқаси бор оилаларга ёрдам пули берилмапти, лекин менинг маҳалла қўмитасига мурожаатларим бир йилдан бери жавобсиз қоляпти».

Касба уюшмалари вилоят Кенгаши маҳалла қўмитасига хат йўллади ва шундай жавоб олди:

«Яқинда маҳаллакўм аъзолари тўпланиб, мазкур масалани кўриб чиқиди ва ёрдам пули ажратиш масаласини хал қилади».

Тўғри, айрим мансабдор шахслар айтиши мумкин: «Маҳалла қўмитаси тегишли жойдаги давлат ҳоқимияти идорасига буйсунади, лекин болалар учун нафақа пули ва кам таъминланганлик учун ёрдам маблағи масалаларига аралашшга касба уюшмалари ҳақли эмас».

Эслатиб қўймоқчимиз: бундай ўйлаган шахслар янглишади. Чунки, Конституцияимизнинг 35-моддасига мувофиқ фуқаролар ўзи истаган ташкилотга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Демак, фуқаролар ўзи истаган идорага мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Касба уюшмалари эса меҳнаткаш халқ ташкилотини у фақат меҳнаткашлар учун яшайди, фақат уларга хизмат қилади ва фақат меҳнаткаш омманинг манфаатларини муҳофаза этади.

Примкул СЎРТАМАТОВ, Касаба уюшмалари Директори вилоят Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудир.

ҚОНУНИ КИМ КўПРОҚ БИЛИШИ КЕРАК?

Шундай савол берилганида ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, энг аввало, ҳуқуқ-тартибот ходимлари, деган жавобни эшитасиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳуқуқий масалалар бўйича минтақавий маслаҳатчиси Фазий Абдулмуҳид қаламига мансуб «Ҳуқуқ-тартибот органлари учун инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро меъёрлар» китобида ҳам асосий эътибор шунга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида мазкур ўқув даргоҳи ҳамда БМТнинг қонунлар масалалари бўйича олий комиссарлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўзаро ҳамкорликда ушбу китобнинг тақдимот маросимини ўтказди. Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари учун мўлжалланган ушбу нашрдан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро меъёрлар, ҳуқуқ-тартибот органларининг бурч ва вазифаларига оид маълумотлар жой олган.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош босқармаси шаҳар қўшимча таълим маркази билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг олти йиллигига бағишланган ўқувчилик рақс фестивалини ўтказмоқда. Унда туман мусобақаларининг қолиблар бўлган жамоалар иштирок этмоқда. Тадбир иштирокчилари ўзбек миллий рақси, хореография, замонавий рақс турлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

Бухоро шаҳридаги 6-ўрта мактаб негизида Халқ таълими вазирлиги қарори билан тарих ва ҳуқуқшунослик фанлари чуқур ўргатиладиган таърих ва синов майдончаси ташкил этилган. Шу кунларда билим даргоҳининг юқори синф ўқувчилари ташаббуси билан бу ерда «Мулоқот» деб номланган мунозара клуби тuzилди.

Клубнинг пайдо бўлиши ёшларнинг жамиятимизда бўлаётган ўзгаришларга бефарқ эмаслигини, воқеа-ҳодисалар ҳақида мустақил фикрга эга эканлигини, уларга ўз муносабатини билдиришга интилаётганлигини кўрсатади. «Мулоқот» клубининг дастлабки машғулотли юртбошимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» асарини ўрганишга бағишланди.

Илхом САФАР, УЭА муҳбири.



АНДИХОН ВИЛОЯТИ. Шахрихон туманидаги Ўзбек-хитой қўшма корхонаси айни кунда 6 хил электрод ишлаб чиқармоқда. Бу маҳсулотлар ўзининг сифатлилиги билан харидорларга маъқул келмоқда. Жамоада кунига 40-55 тонна маҳсулот тайёрланмоқда. Суратда: Хитойлик мутахассис Ян Шю Жинг ишчи Муҳаммадқодир Абдурасулов билан. Бахтиёржон ҲАМРОКУЛОВ олган сурат.

БАНДИХОНГА ГАЗ КЕЛДИ

Мустақиллик тенгдоши — Бандихон тумани кишилари Ўзбекистон Конституцияси кунини арафасида ажойиб совғага эга бўлдилар. Хонадонларда зангори олов порлади. Дастлаб юз хонадон табиий газдан баҳраманд бўлди.

Чўл шароитида бу каби тадбирларни амалга оширишнинг ўзи бўлмайди, катта маблағ, ташкилотчилик талаб этилади. Республика ҳуқуқимизнинг ақиндан берган мадади туфайли беш километрни юқори босимли автоматик станция бунёд этилди. Бунинг шарофати билан эндиликда барча қишлоқлар бирин-кетин газлаштирилмоқда.

Бандихон метин иродали, фидойи инсонлар маскани. Улар қийинчиликларни омиликорлик билан енгиб истеъмол бозорини тулдиршига муносиб ҳисса қўшиб

Чўл кишилари меҳнат қилишини билишади. Буни томорқачилар мисолида ҳам қуриш мумкин. Йулдош Қўрбанов, Абдулла Жўраев, Хотира Йулдошев каби асл миришкорлар ҳар қарч ерини эъозлаб, энг эртаги тарвуз, картошка, пивз ва бошқа неъматларни етиштиришга муваффақ бўлмоқдалар. Бундай уйдабурон кишилар томорқадан йилга 500-700 миң сумгача даромад олмақдалар.

Қадрлар танқислиги ҳам аста-секин хал қилинмоқда. Ёш, иқтидорли мутахассисларга алоҳида имтиёзлар яратилаётганлиги, улар меҳнати юксак қадрланганлиги туфайли Бандихонга келувчилар кўпаймоқда. Бир чети бу ердаги мураккаб шароит инсонларнинг бир-бирига янада яқинлаштириб, меҳру-оқибатни қучайтирмоқда.

Чўл кишилари меҳнат қилишини билишади. Буни томорқачилар мисолида ҳам қуриш мумкин. Йулдош Қўрбанов, Абдулла Жўраев, Хотира Йулдошев каби асл миришкорлар ҳар қарч ерини эъозлаб, энг эртаги тарвуз, картошка, пивз ва бошқа неъматларни етиштиришга муваффақ бўлмоқдалар. Бундай уйдабурон кишилар томорқадан йилга 500-700 миң сумгача даромад олмақдалар.

Қадрлар танқислиги ҳам аста-секин хал қилинмоқда. Ёш, иқтидорли мутахассисларга алоҳида имтиёзлар яратилаётганлиги, улар меҳнати юксак қадрланганлиги туфайли Бандихонга келувчилар кўпаймоқда. Бир чети бу ердаги мураккаб шароит инсонларнинг бир-бирига янада яқинлаштириб, меҳру-оқибатни қучайтирмоқда.

Байрам баҳона

АСЛИ ДУНЁ МЕХРДАН ЯРАЛГАН

Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Марказий бошқаруви асосий мақсади аввало кўзи ожиз инсонларни ижтимоий меҳнат билан банд қилишдир. Улар олдида ногиронларни илмли қилиш, таълим-тарбия бериш, сihat-саломатликларини химоя қилиш, ўқиб ҳунар эгаллашларини йўлга қўйиш, иш билан таъминлаш каби вазифалар туради.

Бугунги кунда жамиятга қарашли қирққа яқин ишлаб чиқариш корхоналари, комбинат ва фабрикалари бор. Уларда айни кунларда ўрта ҳисобда 5 минг нафар киши меҳнат билан банд. Шу ўринда бир гап. Юқорида келтирилган кўзи ожиз ишчилар, яъни ижтимоий фойдаланиш меҳнати билан таъминланганлар сонини авваллари кўпроқ эди.

Бозор иқтисодиётининг қийинчиликлари бизни ҳам четлаб ўтмади, дейди Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Марказий бошқаруви раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санат ходими Жумабой ака Шаматов, — лекин шунга қарамай, ички имкониятлар ўрганиб чиқирилиб, янгиликлар яратилгани, зарур иш ўринларини очишга ҳаракат қилмоқдамиз. Хусусан, бунга кўйилган жойлашган махсус чўтка фабрикаси мисолида қўришимиз мумкин. Бу ерда кийим, оёқ кийими, пахта териш машиналари учун ишлатиладиган чўткалар ишлаб чиқарилади. Фабрикага келган янги раҳбар Баҳромжон Исожонов қисқа вақт ичиде илҳомий ўзгаришлар ясашга эришди. Яъни, авваллари иш кўнлари қисқариб қолган корхона яна беш кунлик иш фаолиятига ўтди. Бозор иқтисодининг синовларига дош бера олмаган айрим ишлаб чиқариш муассасаларида фаолият тўхтаб қолаётган бир пайтда бу ерда ишчилар ҳаттоки икки сменада меҳнат қилмоқдалар. Махсулотлар ҳам етарли. Корхона ишчилари меҳнатларига яраша рағбатлантириб келинмоқда. Чунки, уларнинг ойлик маошлари ҳам оширилди. Махсулот турлари кўпайди. Фабрикада картон махсулотлари ҳам ишлаб чиқариш

рилмоқда. Эндиликда гириш тўқиб цехи иш бошлаш арафасида. Кўзи ожизларнинг касбга йўналтириш тизимида амалий ишлар қандай олиб борилмоқда? — сўрайман Жумабой Шаматовдан. Касбга йўналтириш масалаларига келсак, республика Ижтимоий таъминот вазирлигига қарашли ҳунар-техника билим юрти қошида махсус гуруҳ мавжуд бўлиб, унда ҳар йили 20-30 нафар кўзи ожизлар ўқитилиб, маълум бир касб эгаси бўлиб чиқадилар. Бундан ташқари бугунги кунда узлуксиз равишда мингдан ортқ йигит ва қизлар ушбу жамиятнинг мактаб-интернатларида таълим олмақдалар. Шунингдек, жамиятга қарашли 100 га яқин кутубхона ва клублар, болалар бочгалари улар ва уларнинг фарзандлари хизматида. Ишчиларнинг бир ярим минг нафардан ортиги олий маълумотли.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, кўзи ожизларнинг аксари қисми зиёлилар бўлиб, улар орасида иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, педагоглар, журналистлар, қисқаси, кўпала соҳа вакиллари бор. Юздан ортқ талабалар республикамизнинг турли Олий ўқув даргоҳларида илм сирларини эгалламоқдалар. Кўзи ожизларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, уларнинг сезиш қобилияти, санъатга иқтидори ва хотираси кучлидир. Бунинг илботи ўлароқ ҳар бир илботи ҳақида алоҳида қайғуриш мумкин. Жумладан, кўзи ожизлар квартира ҳақи, коммунал хизматлар (электр қуввати, газ, сув, иссиқлик энергияси) учун тўловлар, телефондан фойдаланиш, самолётда юриш учун 50 фоиз дискондида ҳақ тўлайдилар. Бевоқифи Ўзбекистон Ҳаво йўллари авиаконкомпаниясининг саҳовати тўғрисида йилнинг октябр ойидан май ойигача бўлган муддатда қачон ва қаерга бормасинлар чиптани 50 фоизлик баҳода олиш имтиёзига эгалар.

Бундан ташқари давлатимиз томонидан уларга яна кўпала имтиёзлар яратилган. Хусусан, касалхоналарда бепул озиқ-овқат билан таъминландилар. Биринчи гуруҳ кўзи ожиз ногиронлар шаҳар транспортларида (таксидан таш-

ташласак, 1996 йилда Топроқ шаҳрида дунё бўйича кўзи ожизлар съезди ўтказилган эди. Ушбу съездда Ўзбекистон биринчи марта иштирок этди. Бунда вакилларимизга Франция бевосита хомийлик қилишни ўз зиммасига олди. Съезддаги иштирокнинг самараси ўлароқ Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятига Умумевропа ва Франция сарможаларидан 250 минг ЭКЮ ажратилди. Натияжада Тошкент ва Бухоро шаҳарларидаги корхоналарда янги цехлар ташкил қилиш ва кўпала янги иш ўринлари яратиш, бу орқали кўзи ожиз инсонларни иш билан кўпроқ таъминлаш имкони яратилди. Бундай цехлардаги технологиялар хориждан келтириб ўрнатилмоқда. Шунингдек, Германиянинг кўрсатган ёрдами билан Тошкентда кичик тикув цехи ташкил топди. АКШлик хомийлар эса ишлаб чиқариш техникасини ривожлантириш масалаларида ёрдам бердилар.

Юқоридаги қулайликлар билан бирга республикамизда ўтказиладиган барча йирик тадбирларда ҳам кўзи ожизлар ва уларнинг меҳнат жамоалари иштирок этадилар. Ҳар бир байрам - Наврўзи олам, Мустанкилик куни, Халқаро ногиронлар куни каби саналарда жойларда корхоналар, хокимиятлар томонидан тантаналар уюштирилиб, уларга совға-саломлар, пул мукофотлари, муҳтожларга ногиронлар арава-чалари, зарур мосламалар топширилади. Халқимизда бир дилнинг олод қилиш минг кўлини олод қилишдан афзал, деган нақл борлиги бежиз эмас. Инсонийлик шууридан баҳраманд элимнинг қалб сўзидир бу. Мана бугун ишонч билан айтиш мумкинки, ногиронлар тўлақонли ҳаёт кечиряшларида унумли меҳнат қилишлари, жамиятда ўз ўрниларини топа билишларида кўмак берадиган мададкорлари, сунган тоғлари борлигини ҳис қилмоқдалар. Бу сунячиқ инсонийликни шпор билган давлатимиздир.

Мухаббат ўРМОНБЕКОВА, «Ишонч»нинг махсус муҳбири.



Ўзбекистон Конституциясининг 40-моддасида шундай дейилади: «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга».

Аҳмад аканинг чангда ижро қилган кўйларини тинглагани сайн завққа тўласан, руҳинг поклана, роҳатланиб ором оласан. Табиат устозга шундай илҳом ҳада этганки, у моҳир созанда, кўп қиррали тарғиботчи ва ташкилотчи, изланувчан олим, ўз услубига эга мураббийдир.

Аҳмад ака Одилов Тошкентнинг Қоратоп маҳалласида таваллуд топди. Болалик йилларидаёқ турли мусиқа тўғрақларига фаол қатнашиб, чанг, доира, дутор, пианинода кўй ижро қилишни кунт билан ўрганди. Сўнгра Ҳамза номи Давлат мусиқа билим юртида тахсил олди. Унинг қобилиятигина йигитча эканлигини сезган моҳир педагог, мусиқашунос олим А. Петросянц Ўзбекистон давлат филармонияси қошидаги Т. Жалилов номидаги ўзбек халқ чолу асбоблари оркестрига чангчиликка ишга тақлиф қилди.

Кейинчалик Тошкент Давлат консерваторияси талабаси бўлган Аҳмад-жон Одилов консерваторияда А. Петросянц синфида чанг чалиш ва доирани моҳирона ўрганади. Консерваторияни аъло баҳолар билан тугатган билим юртида ўқувчилик фаолиятини бошлайди. Мана консерваторияда устозлик қилаётганларига ҳам ярим асрдан оши-

ди. Шу давр ичиде устоз кўпала шоғирлар етиштириб, Республика мусиқа санъати ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Аҳмад Одиловнинг илмий-услубий кўрсатмалари, басталарини ҳамда қайта ишлаган кўйларни, ноёб дарсликлари устози А. Петросянц билан ҳамкорликда ёзилган «Чанг учун дарслик», «Чанг учун гамма, ма-

ва фикр алмашиш борасида ҳам қувонарли ишларни амалга оширдилар. Устоз Вьетнам консерваториясида чанг созида Фарбий Европа композиторлари, ўзбек халқ мумтоз асарларини ижро қилганларида вьетнамликларнинг гулдурас қарсақлар билан олқишлаганлари ҳали ҳам бу воқеа иштирокчиларининг ёдида. Ҳа, Аҳмад Одилов ижро қилган кўпгина асарлар нафақат республикамиз, балки хорижий мусиқа мутахассисларини ҳам лол қолдирмоқда. Устоз ижросидаги кўпгина асарлар Ўзбекистон телерадиоком-

паниясининг олтин фондиде сақланмоқда. Шу билан биргаликда у киши Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси қошида илк бор чангчилар ансамблини ташкил этиб, мана салкам 30 йилдан бери унга раҳбарлик қилиб келмоқдалар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Тошкент Давлат консерваториясининг профессори, кўпала ҳуқуқат мукофотларининг соҳиби Аҳмад ака Одилов ҳамон ҳормай-толмай ижод этмоқда.

XIII Осиё ўйинлари БОЙ БЕРИЛГАН ЮТУҚ

Эртага Таиланд пойтахти Бангкокда XIII Осиё ўйинларидаги дастуридаги футбол турнирининг саралаш ўйинлари эса бир ҳафта олдин бошланиб, терма жамоамизнинг илк учрашуви 3 декабрда белгилангани боис футболчиларимиз манзилга эртароқ йўл олишган эди.

Кўни кеча мамлакатимиз миллий терма жамоаси ўзининг биринчи учрашувини Кувейт терма жамоасига қарши ўтказди. Учрашунинг 4-дақиқасида майдонда туртинчи рақамда ҳаракат қилаётган терма жамоамиз сардори Миржалол Қосимов тўпни рақиблар дарвозасига йўллади ва юртдошларимизни ҳисобда олдинга олиб чиқди. 44-дақиқада эса Ал Хувайддиннинг зарбасидан сунг тўп Павел Бугалов химоя қилаётган дарвоза тўрига бориб тушди - 1:1.

Иккинчи таймининг 22-дақиқасида Александр Хевостунов Ал Жасам дарвозасига иккинчи тўпни йўллашга муваффақ бўлди. Химоячилар ҳатосидан фойдаланиб, илгарилар кетган ярим химоячиде юзага келган имкониятдан жуда самарали фойдаланди. У аввалги жарима майдончасига яқинлашиб келаётганида йиқилиб тушгандай бўлган бир паллада «эх афсус, қулай фурсат бой берилмади» деган фикр ҳаёдан ўтиб улғурмасдан тўп билан жарима майдончасига кириб борди. Учрашунинг 76-дақиқасида рақиб химоячилар тўпни қайтаришда яна ҳатого йўл қўйдилар. Андрей Аюпанц олти метрлар чамаси масофадан туриб, зарб билан тўпни дарвоза тўрига йўллади.

Учрашунинг иккинчи тайми 33-дақиқасида Форж Лахисаидга ҳам омад қилиб боқди ва у ҳисобни қисқартиришга муваффақ бўлди. Аммо, бу ҳам учрашувда киритилган охириги тўп эмас экан, унинг яқунлишига яна бир неча сония қолганда, Кувейт ҳужумчиси Фарж Лахисаид ҳисобни тенглаштирди. Учрашув 3:3 ҳисобида дурранг натижа билан якунланди.

Дониёр ЮСУПОВ.

- Мухтарам Нарғизахон РАҲИМЖОНОВА! Сизни таваллуд кўнини-гиз билан оила аъзоларини-гиз номида адожонингиз Мирқодио ака, онданонингиз Ҳамида аялар муборакбод этиб, Сизга чинор қаби узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, бол қаби тотли ҳаёт кечиряшингизни, шириндан-шакар фарзандларнинг онаси бўлишингизни тилайдилар.

«Мунис-Савдо-Сервис» хусусий фирмаси тугатилади. Даволар бир ой мобайнида қабул қилинади. Телефон: 51-18-84.

Байрам қутлови
Тошкентдаги «Бешёғоч» фирмаси жамоаси Ўзбекистон меҳнаткашларини Конституция куни—умумхалқ байрами билан чин дилдан муборакбод этади.
Биз халқнинг бахт қомусида битилган ҳуқуқ ва бурчлар, жаҳоншумул вазифалар изчил амалга ошаётганлигидан зўр қониқиш ҳосил қилган ҳолда эл хизматини аъло даражада адо этишни ўзимиз учун шон-шаараф деб биламиз.
Дунёнинг турли бурчакларидан озиқ-овқат ва қандолат махсулотларини келтириб, аҳолига намунали савдо хизмати кўрсатиш билан байрам шодиёналарини нишонлаймиз.
Дўконларимизга марҳамат қилинг, азиз юртдошлар!
Ҳаммангизга тинчлик, сihat-саломатлик, оилавий бахт ва фаровонлик, ишларингизда каттадан-катта муваффақиятлар тилаймиз.
«Бешёғоч» фирмаси жамоаси.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!
Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси қошидаги санаторий ва курортлар бошқармаси мамлакатимизнинг барча аҳолисини, шу жумладан, бошқармаамизга қарашли шифо масканларида халқимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашдек шарафли ишда фидойилик кўрсатаётган барча тиббиёт ходимларини истиқлол Қомуси - Конституция куни билан чин дилдан муборакбод этади.

Беш-Йоғоч
Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ
Бош муҳаррир қабулхонаси - 56-25-36
Бош муҳаррир уринбосари - 56-52-89
Маъсул котиб - 56-52-78
БУЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт - 56-82-79.
Ахборот ва спорт - 56-87-63. Миллийот ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва муҳбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ - 56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Наманганда - 6-22-10.
Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43.
Ургенчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.
Газета 1991 йил 21 мартда чиқиб ботган.
Сотувда эркин нархда.
Маънавийлик: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Пашр кўрсаткичи: 133; 134.
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли тўғнома берилди. ИВМ компьютерида терилди ва шифрланган. Об'ект усулида босянди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишда топшириш вақти - 21.00
Топширишда 23.00
Буюртма Г— 0616. Нухаси — 14.561.
123456